

Риё қалбга сирлар билан киради



15:00 / 24.11.2021 2679

Нафсга ихлосдан кўра қийинроқ нарса йўқ. Банда ҳар қачон риёни кесиб ташлашга ҳаракат қилса, у бошқа рангда униб чиқади. Банда ундан токи Аллоҳга буткул юзланиб, у зотга таслим бўлмагунча қутула олмайди.

Баъзилар: «Ихлос токи, одамларнинг эътиборидан қолмагунча ва унинг кўзидан одамлар қолмагунча кишининг қалбида ўсиб унмайди» дейишади.

Ихлос қалб амалларидандир. У Алламул ғайуб – ғайбларни билгувчи Зот-Аллоҳгагина кўринади. Шу сабаб бирон кишини кўринган алоҳида бир ҳолати учун риёда айблаш мумкин эмас.

Риё қалбга сирлар билан киради ва қалбдан изҳор билан халос бўлади.

Ҳикматларда келади: «Риё балки халқ назар солмагани сабаб сенга кириб олгандир».

Банда риё содир бўладиган ўринларда ихлосга маҳкам бўлса ва ўзи билан Роббиси ўртасини ислоҳ қилса, ундан ўзгасини қўйиб Ўзига қаттиқ суянса, албатта муқарраб мухлислардан бўлади. Амали ила савобга эга бўлган, уриниши ила ютуққа эришган бўлади.

Манба: arabic.uz